

## МУТАХАССИСЛИК УЧУН ИНГЛИЗ ТИЛИ (ESP)

### АУДИТ ФАНИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ



**Садаф АБРАЕВА**  
Тошкент молия институти  
Аудит кафедраси катта ўқитувчиси

#### Аннотация

Ушбу мақолада хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамияти, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ёритилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини инглиз тилида, ноанъанавий педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг аҳамияти “Аудит” фани мисолида ёритилган, ушбу жараённинг ижобий томонлари ва камчиликлари таҳлил қилинган.

#### Аннотация

Статья освещает значение изучения иностранных языков и проводимые в нашей стране реформы по этому вопросу. Также освещается вопрос о значении проведения в вузах специализированных предметов на английском языке с использованием инновационных педагогических технологий на примере предмета «Аудит» и обсуждаются положительные и отрицательные стороны этого процесса.

#### Abstract

This article highlights the importance of studying foreign languages and the reforms carried out in our country on this issue. It also highlights the importance of conducting specialized subjects in English with the innovative pedagogical technologies on the example of the subject "Audit", and discusses the positive and negative aspects of this process.

**Калит сўзлар:** таълим тизими, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, инновацион таълим мухити, хорижий тиллар, миллий тест тизими, мутахассислик фанлар, аудит, халқаро аудит стандартлари.

**Ключевые слова:** система обучения, национальная программа по подготовке кадров, сфера инновационного обучения, иностранные языки, национальная система тестирования, специализированные предметы, международные стандарты аудита.

**Keywords:** training system, national training program, innovative education, foreign languages, national testing system, specialized subjects, international standards audit.

Бугун мамлакатимизда таълим тизимини модернизациялаш, инновацион таълим мухитини яратиш жараёни қизгин давом этмоқда. Ёшларнинг замонавий касб-хунар билан бирга хорижий тилларни ҳам пухта

ўзлаштиришларига бугунги таълим тизимидағи ислоҳотлар кенг йўл очиб беради. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди(1). Таълим тизимининг турли босқичларидағи юртимиз ёшлари бу имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Айтиш лозимки, ҳозирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидағи ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланди. Шунингдек, олий ўкув юртларида айрим маҳсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилмоқда. Иқтисодий йўналишларда ўқитиладиган “Аудит” фани ҳам шулар жумласидандир.

“Аудит” тушунчasi лотинча “auditing”дан олинган ва айнан таржимада “у эшитяпти”, “эшитувчи” деган маъноларни англатади. Аудитнинг тарихий ватани сифатида Англия эътироф этилади. Чунки илк аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун 1862 йили шу мамлакатда қабул қилинган.

“Аудит” фани талабаларга аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ахборотларининг тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослиги тўғрисида холис ва асосли фикрни шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик амалларини бажариш бўйича назарий билим беришдан иборат(3, 6).

Ушбу фанни ўқитишнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни айтишимиз мумкин: аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан чуқур таништириш; хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш, шартнома тузиш, дастлабки келишувларни амалга ошириш, аудитни дастлабки режаси ва дастурини тузиш; аудиторлик ҳужжатлари ва далилларини тўплаш; молиявий ҳисбот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида текшириш усулларини ўргатиш; аудиторлик ҳисботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлаш, тузиш ва ҳ.к.

Биз юқорида номини тилга олган қарор ижросини таъминлаш нуқтаи назаридан бугун иқтисодий йўналишларда ўтиладиган ушбу фан машғулоти

инглиз тилида олиб борилмоқда. Фанни хорижий тилда ўқитишнинг бир қанча ижобий томонлари билан бирга айрим салбий жиҳатлари ҳам борки, улардан кўз юма олмаймиз.

Дастлаб ижобий жиҳатларни кўриб ўтсак. Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек аудиторлик фаолиятининг ватани Англия. Демак, ушбу фаолият тарихи, ривожланиш босқичлари, ўрганилиши борасидаги асосий адабиётлар инглиз тилида бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан фанни инглиз тилида ўқиши талабаларга ушбу фанни чуқурроқ ўрганишлари учун кенг йўл очади. Иккинчидан, “Аудит” фанини ўқитиш жараёнида жуда кўп хорижий тиллардаги умумқабул қилинган сўзлар ва сўз бирикмаларига дуч келамиз. Уларни ўзбек тилига таржима қилиш мушкул, шу билан бирга талабаларда чалкаш фикрларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари – БХУТ дунёning барча мамлакатларида GAAP – (Generally Accepted Accounting Principles) деб, аудитнинг умумқабул қилинган стандартлари – АУС эса GAAS – (Generally Accepted Auditing Standards), Дипломли бухгалтерларнинг жамоат бирлашмаси – ДБЖБ эса ACCA – (The Chartered Association of Certified Accountants) деб аталади(5, 74). Фанни инглиз тилида ўрганган талабалар бу ибораларни жаҳон қабул қилган бирикмаларда осонгина ўзлаштирадилар. Учинчидан, 2015 йилнинг 24 апрелидаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ, 2015–2018 йилларда барча Акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисботни нашр этишга ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказишга ўтади(2). Халқаро аудит стандартлари – ўзининг профессионал фаолияти давомида барча аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган ягона асос тамойиллардир. Аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифати даражасини ва аудит натижаларининг ишончлилигини таъминлайди. Халқаро аудит стандартлари Аудитнинг Халқаро Стандартлари – AXC (International Standards of Auditing – ISAs) Бухгалтерларнинг Халқаро Федерацияси БХФ (International Federation Accountants – IFAC) таркибидаги Аудиторлик Амалиёти бўйича Халқаро Комитет – ААХК (International Auditing Practice Committee) томонидан ишлаб чиқилади(4, 56). Ўз-ўзидан маълумки, бу стандартлар инглиз тилида қабул қилиниб, кейинчалик бошқа тилларга ўгирилади. 2015 йил 24 апрелдаги фармонга мувофиқ мамлакатимиздаги барча акциядорлик жамиятлари ўз молиявий ҳисботларини халқаро стандартларга асосан аудиторлик текширувларидан ўтказар эканлар, демак, жамиятиз ушбу

стандартларни қабул қилинган тилида ўқиб ўрганишга, таҳлил қилишга ва ўз фаолиятида қўллашга қодир ёш мутахассисларга эҳтиёж сезади. Бу иқтисодий йўналишларда таълим олаётган талаба ёшларга “Аудит” фанини инглиз тилида ўқитишнинг афзалликлариданdir.

Тўртингчидан, “Аудит” фанини инглиз тилида ўрганиш талабаларга кейинчалик ушбу соҳа юзасидан халқаро сертификатлаш доирасидаги курсларни ўзлаштиришда муваффақият келтириши тайин. Ҳозир бутун дунёда амал қиласиган ACCA, CIMA, CFA каби халқаро сертификатлар борки, уларнинг ўз талабгорларига қўядиган биринчи талаби инглиз тилини яхши билишдир. Чунки ушбу халқаро сертификатлаш тизимидағи имтиҳонлар инглиз тилида ташкил этилади. Бизнинг мамлакатимиз мутахассилари учун ҳам бу сертификатларга эга бўлиш замон талабидир.

Фанни хорижий тилда ўқитишда уни ноанъанавий педагогик технологиялар фойдаланиш дарс самарадорлигини бир неча баробар оширади. Бугун янги педагогик ютуқлардан фойдаланиш, уларни дарс давомида қўллаш ҳар бир педагог олдидағи вазифадир. Аммо, фаннинг, ундаги ҳар бир мавзунинг мазмун-моҳиятидан, гуруҳдаги талабалар сони ва уларнинг ўкув имкониятидан келиб чиқиб кўпроқ самара берадиган усулни танлаш педагог ходимнинг маҳоратига боғлиқ. Фанни инглиз тилида ўтадиган ўқитувчи таълим методларини танлаганда, ўз фанини хорижий тилда ўқитаётганини ҳам инобатга олиши зарур. Бизнинг фикримизча, иқтисодий йўналишларда “Аудит” фанини инглиз тилида ўқитганда қуйидаги усулларни қўллаш дарсдан кўзланган мақсадни беради.

Масалан, дарс жараёнида мавзуни моделлаштириш, яъни, реал ҳаётдаги воқеа ва жараёнларни ихчамлаштирган ҳолда моделини аудиторияда яратиш орқали талабаларни бунда иштирок этишда фаолликка ундаш. Биз юкорида “Аудит” фани хўжалик юритувчи субъектлардаги молиявий операциялар қонунга мувофиқ амалга оширилаётганлигини ўрганувчи фан эканлигини айтиб ўтдик. Шундай экан, ўқитувчи-педагог амалиётдан мисолларни аудиторияга мослаштириш орқали дарсни ташкил этса, дарс изжобий натижа беради. Бунда, маъруза дарсининг 20–30 дақиқасини мавзу доирасида амалиётдаги аудиторлик текширувлари жараёнида юзага келган муаммолар ва уларни ҳал этишда аудиторлар қўллаган усулларга талабалар дикқатини жалб этиш орқали назария билан амалиёт бирлашиб, яхлит, эсда қоладиган дарс лойиҳаси шукллантирилади. Дарснинг ушбу қисмини инглиз тилида “Practice insight” ёки “A Series of Scandals” деб номлаш албатта талабалар эътиборини тортади. Амалий машғулотларда аудиторлар амалиётда дуч келган муаммоли вазиятларни “Practice Problems” номи билан жавобсиз тарзда талабалар

эътиборига ҳавола этиш, уларни муаммони ҳал этишга ундейди ҳамда амалий машғулот қизиқарли ва самарали ўтади.

Фанни инглиз тилида ўқитишининг эҳтимолдаги салбий жиҳатларини ҳам кўриб ўтсак.

Аввало, фанни таълим олаётган тилдан бошқа тилда ўқитиши ушбу тилда етарлича кўниkmaga эга бўлмаган аудитория учун қатор муаммоларни келтириб чиқариши, дарс давомида мутахассислик фани ўрнига асосий ургу тилга қаратилиши оқибатида машғулотдан кўзланган мақсадга акс таъсир этиб, унинг сифатини барбод қилиши мумкин. Буни қуидагича далиллашга ҳаракат қиласиз. 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ 2013-2014 ўкув йилидан бошлаб 1-синфдан инглиз тилини босқичмабосқич чукурлашган ҳолда ўқитиши ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Вестминстер ҳалқаро университети билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги 73-сонли мактабда ва айrim вилоятларда янгидан қурилиши режалаштирилаётган мактабларда инглиз тили чукур ўқитиладиган ҳалқаро мактабларни ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилди. Ушбу таълим масканларининг таъсисчилари Лондондаги Вестминстер университети, Британия кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бўлади. Таълим Ўзбекистон Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиб, 1-4-синфларда таълим она тилида олиб борилади ҳамда инглиз тилини интенсив ўргнишга қаратилади, 5-9-синфларда аник фанлар ҳамда информатика фанинглини инглиз тилида ўқитилиши режалаштирилган(6) Шундай экан, ушбу ислоҳотлар натижаси ўлароқ инглиз тилини чукур ўзлаштирган талаба ёшлар мамлакатимиздаги мактаб ва коллеж босқичларини тугаллаб, 2025 йилларда олий таълим остонасида бўладилар.

Фанни инглиз тилида ўқитиши педагог кадрдан ҳам алоҳида тайёргарликни талаб қиласи ва бундай педагог ходимларсиз фаолиятни бошлиш кўзланган натижага тескари таъсир қиласи. Шуни таъкидлаш лозимки, "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан, ҳалқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ, чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди, шунингдек, ўрганувчиларнинг чет тилни билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш, ўрганувчиларнинг мустақил равища, чет тилни билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш, тестга тайёрланишлари учун зарур

маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғига жойлаштириш каби вазифалар бажарилди. Бироқ бу тайёргарликлар мутахассислик фанларининг алоҳида хусусиятларини қамраб олмайди.

Педагогнинг фан бўйича инглиз тилидаги комплекс хужжатлари (ишчи ўқув дастур, технологик харита, календар режа, маъруза матни, саволлар рўйхати) ва зарур адабиётлар таржимасининг тўлиқ мавжуд эмаслиги ёки тезлиқда қилинган техник таржима ҳам бу борада хукуматимиз қўзлаган мақсадга акс таъсир этиши тайин.

Мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш олий таълим муассасасида ўзига хос “монополия” муҳитини яратадики, ушбу фанни ўқитаётган педагог-ходимнинг дарсини назорат қилиш, сифатини таҳлил қилиш, талabalар билимини бошқа педагог синов имтиҳонидан ўtkазиб баҳолашда бир қанча қийинчиликлар туғилади. Бу эса дарс сифати назоратига салбий таъсир этиши мумкин.

Юқорида биз биргина “Аудит” фани мисолида муаммони таҳлил этишга уриндик. Бу каби мутахассислик фанлари республикамиз олий ўқув юртларида талайгина уларни инглиз тилида ўқитиш масаласи бўйича юзага келаётган масалалар ҳам етарлича. Ҳеч шубҳа йўқки, хорижий тилларни пухта эгаллаш замон талаби, бироқ шошма-шошарлик билан таълим муассасаларида инглиз гурухларини ташкил этиш, уларда етарли кўникма шаклланмаган ҳолатда мутахассислик фанларини номукаммал таржималари билан ўқитишни бошлаб юбориш – бир авлодни чала мутахассис қилиб чиқариш каби оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида куйидагиларни таклиф сифатида киритишни лозим топдик:

- Олий таълим муассасаларида ташкил этилаётган мутахассислик фанлари инглиз тилида ўқитиладиган гурухларни шакллантиришда талabalарни чет тилини билишнинг халқаро эътироф этилган стандартлар талабларига мувофиқ текшириб баҳолаш билангина саралаб олиш;

- Олий таълим муассасаларида мутахассис тайёровчи кафедраларга ушбу фанларни хорижий тилларда ўқита оладиган камида икки нафар педагог ходимни жалб этиш ҳамда уларнинг тайёргарликларини халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ, чет тилларни билиш даражасини Миллий тест тизимига мувофиқ баҳолашни амалга ошириш;

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси томонидан ташкил этилган халқаро эътироф этилган стандартлар талабларига мувофиқ, чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини маълум

мутахассисликлар учун қайта ташкил этиш. Масалан, иқтисодиёт фанлари, техника фанлари, медицина фанлари ва бошқалар.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори// Халқ сўзи, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон.
2. «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон 2015 йил 24 апрель.
3. Файзиев Ш., Каримов А. Аудит. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2013. – 245 б.
4. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Халқаро аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA 2014 й. – 182 б.
5. William F. Messier, Jr., Steven M. Glover. Auditing & assurance services: a systematic approach. 2008, – 6th ed. – 843 p.
6. <http://www.sog'lom.uz>